

**“Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг навбатдан
ташқари умумий йиғилишининг
31 - сонли баёнидан кўчирма**

2019 йил 11 ноябрь

Тошкент ш.
Истиқлол кўчаси, 9 уй

“Ипотека-банк” АТИБ Мехнат филиали биносининг мажлислар залида соат 10³⁰ да бошланди.

**Йиғилишда
қатнашганлар:**

**Банк акциядорлари ва
уларнинг вакиллари**

**Банк Кузатув кенгаши
аъзолари**

Банк Бошқаруви

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида овоз бериш хуқуқига эга 1'394'760'545'183 дона акциялардан 1'261'752'613'041 дона овозга эгалик қилувчи 8 нафар акциядорлар ва/ёки уларнинг вакиллари ҳамда овоз бериш хуқуки бўлмаган имтиёзли акцияларга эгалик қилувчи акциядорлар ва/ёки уларнинг вакиллари қатнашди.

Йиғилиш кворуми – 90,46%

Йиғилишни банк Кузатув кенгаши аъзоси Д. Ибрагимов очди ва Йиғилишга раислик қилди.

Шундан сўнг, Йиғилиш раиси очик овоз бериш йўли билан йиғилиш президиумни сайлаш бўйича таклиф киритди ва овозга қўйди. Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Президиум қуйидаги таркибда сайланди: Д.К. Ибрагимов, Ж.К. Рахимов, Ж.А. Абдушукуров ва Ш.Х. Атабаев.

Йиғилиш баённомасини ёзib бориш учун йиғилиш котиби этиб Мерганов Баходир Ибрагимовични сайлаш ҳамда саноқ комиссияси вазифасини бажариш учун банк акциядорлари ичидан Шакаримова Ольга Алексеевнани, Мухитдинов Тимур Садриддиновични, Раджабова Азиза Пулатовнани сайлаш таклиф этилди.

Куйидаги номзодлар очик овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдикланди.

Йиғилиш котиби:

Мерганов Баходир Ибрагимович

Саноқ комиссияси раиси:

Шакаримова Ольга Алексеевна

Саноқ комиссияси аъзолари:

Мухитдинов Тимур Садриддинович

Раджабова Азиза Пулатовна

Кун тартиби:

1. “Ипотека-банк” АТИБ эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш.

2. “Ипотека-банк” АТИБ уставига ўзгартиш киритиши тасдиқлаш.
3. Банкнинг аффилланган шахслари билан тузиладиган битимларни тасдиқлаш.
4. Халқаро молия корпорацияси билан тузиладиган келишувлар шартларини тасдиқлаш.
5. “Ипотека-банк” АТИБ томонидан Давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларининг 2020 йил 1 январдан бошлаб қабул қилинишини тасдиқлаш.
6. “Ипотека-банк” АТИБ томонидан Давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларининг қабул қилинганилиги тўғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги биринчи масала - “Ипотека-банк” АТИБ эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи юзасидан Йигилиш раиси сўзга чиқди.

Кун тартибидаги биринчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 1'261'602'451'169 (99,99%)	Қарши 0 (0%)	Бетараф 150'097'332 (0,01%)
---	------------------------	---------------------------------------

Кун тартибидаги иккинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ уставига ўзгартиш киритиши масаласида Йигилиш раиси сўзга чиқди.

Кун тартибидаги иккинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 1'261'602'451'169 (99,99%)	Қарши 0 (0%)	Бетараф 150'097'332 (0,01%)
---	------------------------	---------------------------------------

Кун тартибидаги учинчи масала – Банкнинг аффилланган шахслари билан тузиладиган битимларни тасдиқлаш масаласида Йигилиш раиси сўзга чиқди.

Кун тартибидаги учинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 84'286'713'522 (99,82%)	Қарши 0 (0%)	Бетараф 150'097'332 (0,18%)
--	------------------------	---------------------------------------

Изоҳ: Овоз беришда аффилланган шахслар – Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамгармаси (941'059'050'000 дона овоз) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (236'256'687'647 дона овоз) иштирок эттади.

Кун тартибидаги тўртинчи масала – Халқаро молия корпорацияси билан тузиладиган келишувлар шартларини тасдиқлаш юзасидан Йигилиш раиси сўзга чиқди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 1'261'602'451'169 (99,99%)	Қарши 0 (0%)	Бетараф 150'097'332 (0,01%)
---	------------------------	---------------------------------------

Кун тартибидаги бешинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ томонидан Давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларини қабул қилишни тасдиқлаш юзасидан Йигилиш раиси сўзга чиқди.

Кун тартибидаги бешинчи масала овозга қўйилди:

Тарафдор 1'261'602'451'169 (99,99%)	Қарши 0 (0%)	Бетараф 150'097'332 (0,01%)
---	------------------------	---------------------------------------

Кун тартибидаги олтинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБ томонидан Давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларининг қабул қилинганилиги тўғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлаш юзасидан Йиғилиш раиси сўзга чиқди.

Кун тартибидаги олтинчи масала овозга қўйилди:

**Тарафдор 1'261'602'451'169
(99,99%)**

**Қарши 0
(0%)**

**Бетараф 150'097'332
(0,01%)**

Юқорида баён этилган кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

Қарор қилди:

1. “Ипотека-банк” АТИБ устав капиталини кўпайтириш мақсадида, қўшимча чиқариши мумкин бўлган (эълон қилинган) акциялар 2'500'000'000'000 (икки триллион беш юз миллиард) дона ҳужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан ва 9'104'000'000 (тўқиз миллиард бир юз тўрт миллион) дона ҳужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялардан иборат этиб белгилансин.

2. “Ипотека-банк” АТИБ уставига ўзгартиш киритилсин, киритиладиган ўзгартиш матни 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Банк Бошқаруви уставга киритилган ушбу ўзгартишни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида белгилangan тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги ПҚ-2660-сонли “2017-2020 йилларда шаҳарларда арzon кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4487-сонли “Ўзбекистон Республикаси банк секторининг молиявий барқарорлигини оширишга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан тузиладиган битимлар маъқуллансин.

4. Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорлик доирасида келгусида тузиладиган келишувларнинг асосий шартлари маъқуллансин, мазкур шартларнинг барча бандлари ва қисмлари ўзгартирилиши мумкинлиги белгилаб ўтилсин, шунингдек ушбу тузиладиган келишувлар “Ипотека-банк” АТИБ томонидан чуқур ўрганилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан келишилиши лозимлиги белгилансин.

5. “Ипотека-банк” АТИБ томонидан Давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларининг 2020 йил 1 январдан бошлаб қабул қилиниши тасдиқлансин.

6. “Ипотека-банк” АТИБ томонидан Давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларининг қабул қилинганилиги тўғрисида хабар бериш шакли 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Йиғилиш котиби

 **Б. Мерганов**

Ушбу баён 2019 йил 15 ноябрда икки нусхада тузилди.